

Буюк Британиялик Афтаб Иқбол марҳумларни дафн этишга 1000 соат ёрдам берди



12:00 / 19.06.2021 1326

Ислонда вафот этганларни ихтиёрий равишда дафн этиш Аллоҳ томонидан катта мукофотланадиган амалдир. Буюк Британиядан келган Муслмон Афтаб Иқбол кўнгилли сифатида 1000 соатдан кўпроқ вақт давомида муслмонларни дафн этишга ёрдам берган.

Islam.ru хабар беришича коронавирус пандемияси авж олган пайтда Иқболнинг иши жуда кўпайган.

«Janaza Announcements» мотамни қўллаб-қувватлаш раҳбари Адил Шаан Иқболнинг «Шолемур» қабристонига хизматлар ва дафн маросимларига кўмаклашишда қилган ишларини жуда катта деб ҳисоблайди.

«У қабристонда 1000 соатдан кўпроқ вақт давомида ихтиёрий равишда хизмат қилди ва бир дақиқасига ҳам пул тўланмади», дейди Шахан.

Таржимон: Мунира Баҳодир қизи